

<https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1066>

## ETHNO-HISTORICAL MEMORY AND ETHNO-IDIOMATICS IN FRENCH AND UZBEK LANGUAGES

Джафарова Дилдора Илхомовна

ЎзМу, доцент

[dildora.djafarova@gmail.com](mailto:dildora.djafarova@gmail.com)

+998935277255

**Аннотация.** Мазкур мақола француз ва ўзбек тилларида “тарихий хотира” ҳамда этно-идиоматика тушунчаларига бағишланган бўлиб, икки тил доирасида мисоллар ёрдамида таҳлил қилинган. Мақолада этно-идиоматика тушунчасига оид олимларнинг назарий фикрлари асосида “тарихий хотира”га оид фразеологик бирликлар тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** “этно-хотира”, “этно-ижтимоий хотира”, “этно-тарихий хотира”, “этно-маданий хотира”, “этно-диний хотира”, фразеологик бирлик.

**Аннотация.** Эта статья посвящена понятиям «историческая память» и этноязыка во французском и узбекском языках и анализируется на примерах из двух языков. В статье исследуются фразеологизмы «историческая память» на основе теоретических взглядов ученых на концепцию этноидиоматики.

**Ключевые слова:** «этническая память», «этносоциальная память», «этноисторическая память», «этнокультурная память», «этнорелигиозная память», фразеологизм.

**Abstract.** This article is devoted to the concepts of "historical memory" and ethno-language in the French and Uzbek languages and is analyzed using examples from two languages. The article examines the phraseological units "historical



memory" based on the theoretical views of scientists on the concept of ethnoidiomatics.

**Keywords:** "Ethnic memory", "ethnosocial memory", "ethnohistorical memory", "ethnocultural memory", "ethnoreligious memory", phraseological unit.

Барчамизга маълумки, миллий характерни ўрганиш учун шу халқнинг тарихи, ижтимоий тузилмаси ва маданиятини ўрганиш зарур. Улардаги миллий қадриятларни халқнинг яшаш тарзи, диний эътиқодларини шу жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва географик шарт-шароитларига боғлиқ ҳолда тушуниш ўринли бўлади. Шунинг учун ҳам сўнги пайтларда адабиётлардан миллий характер термини йўқолиб, унинг ўрнига менталитет тушунчаси эгаллай бошлади. Шубҳасиз, асосий маданий қатламнинг катта қисмини лексика ташкил этади ва бу аспект турғун иборалар, фразеологизмлар, идиомалар, мақол ва маталлар, яъни халқ донолиги ва диний эътиқоди асосида унинг маданий тажрибаси натижаларида намоён бўлади. Фразеологик бирликларнинг аксарияти ўзининг ички шаклида ижтимоий-маданий ўзига хосликни, халқнинг яшаш шарт-шароитини ва унинг тарихий ривожланишининг ўзига хослигини акс эттиради.

Тилшуносликда “тарихий хотира”га оид бир нечта фразеологик бирликларнинг турлари мавжуд. Масалан, *вақт оралиғи ҳамда бўлиши мумкин бўлмаган воқеалар билан боғлиқ бўлган фразеологик бирликлар*. Мазкур турга француз тилида кўпроқ парранда номлари билан боғлиқ иборалар мисол бўлади. Масалан, *quand pisseront les poules* ибораси таржимада “қачонки товуқ сийса” деганини билдирса, том маънода “ҳеч қачон” ни ифода этади. Ўзбек тилида бу иборанинг эквиваленти сифатида *“туянинг думи ерга тегганда”*, яъни биламизки туянинг бўйи баланд, аммо думи жуда калта бўлиб, ҳеч қачон ерга тегмайди. Шунинг учун ҳам ҳеч қачон қилинмайдиган ишларга нисбатан мазкур ибора қўлланилади. Бундан ташқари француз тилида *“quand les poules auront des dents”* ибораси ҳам “ҳеч



қачон” деган маънони акс эттиради, сўзма-сўз таржимада эса “*қачонки товуқларда тиш пайдо бўлса*” тарзида ишлатилади. Кўриниб турибдики, ҳар иккала ибора ҳам вақт билан боғлиқ бўлиб, имкони йўқ ва ҳеч қачон бажариб бўлмайдиган ишларни билдиради. Бундай иборалар француз тилида жуда кўп. Масалан, “*quand les vaches auront des ailes*” (қачонки сигирда қанот бўлса), *la semaine des quatre jeudis* (бир ҳафтада тўртта пайшанба бўлса), *tous les 36 du mois* (бир ойда 36 кун мавжуд бўлса), *a cet ete sur la glace* (муз устида ёз бўлса) каби ибораларнинг барчаси имкони бўлмаган ишни бажариш кераклигини ифодалаб келяпти. Ўзбек тилида ҳам қилинмайдиган, иложсиз ишларни бажаришда оғзаки нутқда “ҳабшанба” сўзини, яъни мавжуд бўлмаган ҳафта кунини билдиради.

Тадқиқотимиз шуни кўрсатдики, одамларнинг тасаввурлари ва хаёллари нафақат мавжуд воқеликни метафорик қайта кўриб чиқишда, балки хаёлий воқеликни яратишда ҳам акс этади. Бундай хаёлот дунёсининг шаклланишида фақат идиомаларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

“Тарихий хотира”га оид фразеологик бирликларни этно-идиомотика доирасида кўриб чиқиш, француз тили ва француз миллати тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлишга имкон беради. Бизнинг фикримизча, “тарихий хотира”нинг таркибий тузилиши тушунчасини ҳисобга олсак, фразеологик бирликларни таҳлил қилганда, этнотарихий хотира ва тарихий алоқа шакллари хотирасини бошқа халқлар билан, миллатлараро алоқа маданиятини бирлаштириш мақсадга мувофиқ ва ўринли деб ҳисоблаймиз, чунки тарихий хотиранинг ушбу таркибий қисмлари этнофразеологизмларда акс эттирилган. “Тарихий хотира”нинг ушбу тури ибораларни ҳар томонлама таҳлил қилишга, кўриб чиқишда имкон беради ва Франциянинг турли мамлакатлар, халқлар билан этник муносабатларини аниқроқ аниқлашга имкон беради.

Тарих, ижтимоий фанлар, фалсафа орқали этник ўзига хосликни белгилайдиган бир қатор тушунчалар мавжуд бўлиб, буларга “этник хотира”,



“этно-ижтимоий хотира”, “этно-тарихий хотира”, “этно-маданий хотира”, “этно-диний хотира” каби атамалардир.

Этник тушунчаси нафақат тарих, фалсафа, ижтимоий фанлар орқали, балки замонавий тилшуносликда ҳам бу тушунча муҳим ҳисобланиб, олимлар ва тилшунослар томонидан таҳлил қилинади. Чунки, замонавий тилшунослик фани ҳар хил кўринишдаги этникликни аниқлайдиган ва унинг тилда ифодаланиш имкониятларини очиб берадиган дунёнинг этник манзараси ва этник тушунчаларга алоҳида аҳамият беради. Этник тушунчалари асосан ҳар бир миллатга мансуб адабиётларда, бадиий асарларда намоён бўлади, яъни ҳар бир ёзувчи ўз китобида албатта ўзи хоҳлаган ва хоҳламаган тарзда ўша даврнинг этник шаклларини, жараёнларини ифодалайди. Фанда маълумки, олам миллий манзараси, дунёнинг этник тасвири қадриятлар, удумлар орқали ўрганилади ва таҳлил қилинади.

В.А Буряковскийнинг фикрича, “дунёнинг этник манзарасида, оламнинг концептуал ва лингвистик манзарасининг бир бўлаги етакчилик қилади” [2].

Садохин эса этник сўзига қуйидагича таъриф беради: “Этник ўз-ўзини англаш - бу маълум бир этник гуруҳга мансублик ҳисси, бошка этник гуруҳлар билан солиштирганда, уларнинг фарқлари ва ўхшашликлари тўғрисида билиш этник жамоанинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади, бу мавжуд этник алоқалар орқали одамлар онгида акс этади” [4].

Бизнинг фикримизча, этник сўзи кенг камровли тушунча бўлиб, ҳар бир шахснинг қайси бир миллатга тегишлилиги, миллат тарихи, миллатнинг ҳозирги ҳолати, миллатнинг руҳияти, ҳар бир халқнинг миллий, моддий, маънавий ва умуминсоний қадриятлари, халқнинг улуғворлигини ифода этувчи тушунчадир. Тилшуносликда маълумки, ҳар бир фразеологик бирликлар яъни мақол, маталлар, идиомалар, халқ оғзаки ижоди таркибида этник тушунчалар мавжуддир.



С.Д Алпатованинг фикрича, фразеологик белгининг илк сабабини уни ихтиро этган, яратган инсоннинг дунёқараши ва тасаввурларидан излаш керак [1].

З.И Крашева таъкидлашича, “миграцион жараёнлар натижасида пайдо бўлган этнография, этномаданият, этноалоқалар, халқнинг ижтимоий тузими, унинг моддий ва маънавий маданияти - буларнинг ҳаммаси тилда ўз аксини топади” [3].

Бизнинг фикримизча, замонавий француз тилида кўпгина фразеологик бирликларнинг таркиби этнонимлар ҳисобланади, чунки ҳаммамизга маълумки фразеология “омбор” вазифасини бажаради, яъни турли халқларнинг одатлари, маданияти, қадриятлари, тарихи ҳамда ҳар миллатнинг тарихий алоқалари, турли халқларнинг дунёси билан таништиради. Француз тилида бундай фразеологик бирликлар кўп учрайди. Масалан, “*boire comme un Polonais*” ўз маъносида “худди полякдек ичиш” бўлса, том маънода “кўп ичиш, оғзига сиққанича ичиш” маъноларини ифода этади. Мазкур жараёнга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин: “*dents d’Anglaise*” сўзма-сўз таржима қилсак “инглиз хонимининг тишлари”, том маънода “олдинга чиқиб турувчи тишлар”; “*renouvelé des Grecs*” ибораси ҳам “греклар билан янгиланган”, “ўзини бегона ҳис қилиш, бошқаларга қўшилолмаслик”ни англатади; “*prendre le Chinois par la natte*” маъноси “хитойликни сочидан тортиш”, ибора сифатида “бекорга вақт ўтказиш, маъносиз гаплар билан жиғига тегиш” ни ўзида ифода этади.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Алпатова, С.Д. Интерпретация фразеологической единицы как эстетического знака [Текст] / С.Д. Алпатова // Слово, высказывание, текст в когнитивном, прагматическом и культурологическом аспектах. Тезисы Международной научно-практической конференции. - Челябинск, 2001. - С. 114-115.



2. Буряковская, В.А. Признак этничности в семантике языка (на материале русского и английского языков): Дис. ... канд. филол. наук. Волгоград, 2000. - 200 с. [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <http://31f.ru/dissertation/100-dissertaciya-priznak-etnichnosti-v-semantikeazyka.html>.

3. Керашева, З.И. Язык – ценный источник для познания истории народа [Текст] / З.И. Керашева [Электронный ресурс] // Вестник Адыгейского государственного университета: сетевое электронное научное издание. - 2008. [http://www.vestnik.adygnet.ru/files/2008.2/667/Kerasheva2008\\_2.pdf](http://www.vestnik.adygnet.ru/files/2008.2/667/Kerasheva2008_2.pdf)

4. Садохин, А.П. Этнология: словарь.- М.: ГАРДАРИКИ, 2002. - 208 с.

